

## 5/418-сонли МАҲСУЛОТ ВА ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

06.01.2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти тизимида тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3829-сон қарорининг 11-13 бандларига кўра Тиббиёт бош бошқармаси тизимидаги тиббиёт ташкилотларини дори-дармонга бўлган эҳтиёжини, тиббий буюм, шунингдек санитария-эпидемиологик ва токсикологик тадқиқотлар учун маҳсус воситалар билан таъминлаш Тиббиёт бош бошқармасининг “Марказий дорихона” Давлат унитар корхонаси орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси “Марказий дорихона” Давлат Унитар Корхонаси номидан Директор Г.И.Шапошникова Низом асосида иш юритиб, кейинчалик бир томондан “Етказиб берувчи» деб номланади ва Сотиб олувчи Н.С. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси 1-сонли Марказий консултатив диагностика поликлиникаси номидан Низом асосида иш юритиб, кейинчалик иккинчи томондан “Сотиб олувчи” деб номланади ва ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида имзоладилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Етказиб берувчи сотиш ва Сотиб олувчи ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисоб-фактуралар асосида Ўзбекистон Республикасида қўллашга рухсат берилган дори воситалари, тиббиёт ускуналари, тиббиёт анжомлари, тиббиёт кислороди ва кимёвий реактивларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган қонунига берилган Илованинг 13 бандига асосан COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши курашишда дори воситалари, тиббий буюмлар ва кимёвий реактивлар харид қилиш мақсадида тузилган.

1.3. Гиёҳванд моддалар, психотроп дори воситалари ва прекурсорларни Етказиб берувчи омборидан Сотиб олувчига Ички ишлар органлари томонидан маҳсус рухсатнома тақдим этилгандан сўнг берилади.

1.4. Сотиб олувчи Етказиб берувчи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан маҳсулотнинг 30% қийматини олдиндан тўлайди. Қолган 70% қиймати Сотиб олувчи томонидан товар олинган кундан 10 календар кун давомида тўланади. Олдиндан тўлов учун шартномага илова қилинган спецификациялар асос бўлади.

1.5. Етказиб берувчининг барча банк ҳаражатларини Етказиб берувчи қоплайди, Сотиб олувчининг банк ҳаражатларини Сотиб олувчи қоплайди.

1.6. Шартноманинг умумий баҳоси 987 898,50 (Тўққиз юз саксон етти минг саккиз юз тўқсон саккиз) сўм 50 тийин ҚҚС сиз.

### 2. СИФАТ ВА СОНИГА ТАЛАБЛАР

2.1. Маҳсулот сифат ва сонига даъво қўйилганда Сотиб олувчи Етказиб берувчига расмий назорат ташкилоти ёки бошқа тегишли бетараф ташкилот тузган рекламация актини тақдим этиши лозим.

2.2. Талаблар ёзма шаклда 3 банк куни ичида, етказиб бериш кунини қўшган холда билдирилиши лозим.

### 3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

3.1. Маҳсулотлар Сотиб олувчи томонидан Тошкент шаҳридаги Етказиб берувчи омборидан олиб кетилади.

3.2. Етказиб бериш Етказиб берувчи ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушган кундан 30 кун давомида амалга оширилади.

### 4. ФОРС-МАЖОР

4.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан бартараф этиб бўлмайдиган ҳодисалар юзага келганда озод этиладилар. Бундай ҳолларда шартнома талабларини бажариш муддати ушбу ҳодисаларнинг давом этиш муддати тугагунга қадар чўзилади.

4.2. Шартномани бажариш имкони бўлмаган тарафлар иккинчи тарафни ушбу форс-мажор бошланиши ва якунланиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Бир тарафнинг Форс-мажор ҳодисаларининг бошланиши ва тугаши ҳақида хабардор қилмаслик ёки ўз вақтида хабардор қилмаслик, ушбу тарафнинг кейинчалик ушбу сабабларни рўқач қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Шартномадан келиб чиқадиган ёки шартномага боғлиқ бўлган барча баҳслар музокара йули билан хал қилинади, бунинг имкони бўлмаганда - Тошкент туманлараро иқтисодиёт судида кўриб чиқилади.

## 6. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

6.1. Шартнома имзолангандан сўнг Сотиб олувчи шартномада келтирилган буюртма қилинган маҳсулотни олишдан воз кечишга ҳақли эмас. Воз кечганда Сотиб олувчи Етказиб берувчига маҳсулот нархининг 5 % миқдорида жарима тўлайди.

6.2. Маҳсулот олишни кечиктирганда Сотиб олувчи шартнома баҳосининг 0,5% миқдорида ҳар бир кечиктирилган кун учун жарима тўлайди, бироқ бу шартнома умумий қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги керак.

6.3. Маҳсулот етказиб бериш кечиктирилганда, Етказиб берувчи ҳар бир кечиктирилган кун учун маҳсулот қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди, бироқ етказиб берилмаган маҳсулот шартнома умумий баҳосининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.4. Тўловни тўламаслик ва маҳсулотни икки ойдан ортиқ муддатда олмаслик Сотиб олувчи томонидан шартномани бажаришдан бош тортишлик ҳисобланади ва ушбу шартноманинг 6.1 ва 6.2. бўлимларида келтирилган мажбуриятларни юзага келтиради.

6.5. Етказиб берувчи маҳсулотнинг кейинги сотуви учун жавобгар эмас.

6.6. Тарафларнинг шартномада кўзда тутилган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан бошқарилади.

6.7. Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар икки томон имзо қўйгандан сўнг кучга киради.

6.8. Шартнома томонлар унга имзо қўйган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» 12 га қадар амал қилади.


6.9. Шартнома бир хил кучга эга, 2 нусхада тузилган.

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Тиббиёт бош бошқармаси "Марказий дорихона"  
Давлат унитар корхонаси  
Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 67уй, 100047  
Тел/факс (71)236-35-10, тел: (71)233-60-25  
Ҳисоб рақами: 20210000500430523001  
Ўзбекистон Саноат қурилиш банки  
Яшнобод бўлими Тошкент шаҳри  
МФО: 00432  
СТИР: 200547563  
ХХТУТ 46460

### СОТИБ ОЛУВЧИ



Марказий дорихона Директори  
Шапошникова Г.И.

Проект договора, (контракта) о сотрудничестве  
соответствует требованиям Закона  
Р.Уз. «О договорно-правовой деятельности»

Юрист А.А. Муниев


**СПЕЦИФИКАЦИЯ**  
 К СЧЕТ-ДОГОВОРУ № 418 от 06.09 2024  
 между ЦА ГМУ при АПРУз и ЦКДП №1 ГМУ при АП РУз

№	Наименование	Срок годности	Серия	Ед.изм.	Кол-во	Цена	Сумма	Сумма НДС	Сумма с НДС	Производитель
1	ЛУЦЕТАМ Раствор для инъекций 1 г/5 мл 5 мл N10 (ампулы)	31.08.2022	Серия №T065B0818 годен до 08.2022	упак	10,0000	59 474,60	594 746,00		594 746,00	Egis Pharmaceuticals PLC
2	ТРИДОКС Крем 15 г (тубы)	31.05.2024	Серия №B110 годен до 05.2024	упак	10,0000	33 680,25	336 802,50		336 802,50	Oxford Life Sciences Pvt. Ltd
<b>ИТОГО:</b>							<b>931 548,50</b>		<b>931 548,50</b>	

Сумма: Девятьсот тридцать одна тысяча пятьсот сорок восемь сум 50 тийин В т.ч. НДС 0.

ПОСТАВЩИК

М.П.



ПОКУПАТЕЛЬ

М.П.



5/418

Сакобар

**СПЕЦИФИКАЦИЯ**  
 К СЧЕТ-ДОГОВОРУ № 416 от 06.09 2024  
 между ЦА ГМУ при АПРУз и ЦКДП №1 ГМУ при АП РУз

№	Наименование	Срок годности	Серия	Ед.изм.	Кол-во	Цена	Сумма	Сумма НДС	Сумма с НДС	Производитель
1	СОННАТ Таблетки покрытые пленочной оболочкой 7,5 мг N10(1x10) (блистеры)	31.03.2023	Серия №187377 годен до 03.2023	упак	1,0000	22 660,08	22 660,08		22 660,08	Киевмедпрепарат ОАО
2	ЗОЛОМАКС Таблетки по 1 мг N30 (3x10) (блистеры)	30.11.2022	Серия №5031119 годен до 11.2022	упак	1,0000	33 689,92	33 689,92		33 689,92	Гриндекс, АО
<b>ИТОГО:</b>							<b>56 350,00</b>		<b>56 350,00</b>	

Сумма: Пятьдесят шесть тысяч триста пятьдесят сум 00 тийин В т.ч. НДС 0.

ПОСТАВЩИК

М.П.



ПОКУПАТЕЛЬ

М.П.

